

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**

**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ КАФЕДРАСИ**

# **Р Е Ф Е Р А Т**

**Мавзу:** Эски Ховостепа ёдгорликлари

**Бажарди:** 64-14 гуруҳ талабаси Юнусов Бобир

**ГУЛИСТОН 2016**

## Эски Ховостепа ёдгорликлари

Ўрта Осиёнинг қадимги ўтроқ, тарихий-маданий ўлкаларидан бири Уструшона суғорма деҳқончилик маданияти тарихи кам ўргангилган ҳудудларидан бири ҳисобланади.

Сирдарё воҳасида давлатчилик тизимининг пайдо бўлиши масаласи тарихчиларимиз эътиборидан четда қолиб кетмоқда...

Аслида эса, тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки Сирдарё вилояти Сўғдни Чоч билан, Сўғдни Фарғона орқали Хитой билан боғлайдиган муҳим жойда жойлашганлиги сабабли ҳам бу ерда қадимдан аҳоли яшаб келган. Улар бир-бирлари билан Сирдарё орқали боғланган.

Тарихий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки Уструшонанинг қадим ва ўрта асрлардаги шаҳар маданияти, урбанизация масалалари бўйича Негматов Н.Н., Котоленко Г.А., Беяева Т.В., Хмельнский С.Г., Грицина А.А., Тўйчибоев Б.Б., Уструшона шаҳарсозлигининг илк ва ривожланган ўрта асрлардаги ўзига хос хусусиятлари борасида, Пўлатов Ў.П., Бердимуродов А.Э., Суюнов С.С., Сверчков Л.М., Омонжулов Т.О. ўлканинг сўнгги ўрта асрлар ва хонликлар замонидаги шаҳарлар тарихи, аҳолининг ҳўжалиги ва турмуш тарзи муаммолари устида Мухторов А. М., Пардаев А.Х., Эрбутаева У.С., Мирзаева Н.Ж., Алибеков У., Мирзалиев У. сингари мутахассислар тадқиқот ўтказишган.

Ушбу тадқиқотларнинг илмий натижалари умумлаштирилса, Уструшона, эски Ховос, Нуртепа, Ўратепа, Қизилтепа, Ойдинсойтепа, Қўрғонтепа шаҳар ёдгорликлари вужудга келганлиги маълумдир.

Айни пайтда, эски Ховос тепалиги, шаҳар харобаси Сирдарё вилоятининг қолаверса, бутун Мирзачўл халқининг энг катта ва муҳим ёдгорлиги сифатда, Ўзбекистон Фанлар академияси Археология институти Чоч-Уструшона экспедициясининг археологи А.А. Грицина раҳбарлигидаги Сирдарё отряди эски Ховос шаҳри харобалари ўрнидаги Эски Ховос тепалигида тадқиқот ишларини ўтказмоқда.

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, эски Ховос ўзининг мустаҳкам истехкомларига эга бўлган Сирдарё вилоятининг эллинистик даврига оид энг қадимий шаҳар деб ҳисобланмоқда.

1984 йилда Эски Ховос тепалиги Ўзбекистон Фанлар Академияси Археология институти Чоч-Уструшона экспедициясининг Сирдаё отряди томонидан ўрганила бошланган эди.

1988-1989 йилларга келиб, Чоч-Уструшона экспедициясининг Сирдаё отряди илк бор Ховос кўрғонида археологик тадқиқот ишларини олиб борди.

А.А. Гирицина, В.И. Набоков, Е.Ф. Буряков каби археологлар тадқиқотишларини олиб боришди. Тадқиқот натижалари ушбу манзилгоҳнинг камида милодгача I ва милодий I асрларда пайдо бўлганлиги ҳақида хулоса чиқариш имконини берди.

2003 йилда археологик тадқиқотлар эски Ховос тепалигида А.А. Грицина, И.Д. Иваницкий ёш археолог К. Рахимов, М.Содиқов, Б. Азимовлар томонидан ўрганилди. 2004 йилда иш давом эттирилиб гуруҳ ишига тажрибали мутахасис Г.И. Богомоллов ва таниқли археолог Бахтигул Абдулгазиевалар ҳам жалб этилган эди. Гуруҳ ишида архитектор Татьяна Аликсеевна Грицина иштирок этиб, археологик қазилма ишларини зарур чизмалар билан таъминлаб турган.

2003 йилдаги археологик қазилмалар туфайли бу ердан илк юнонлар даври мудофаа деворлари қолдиқларининг топилиши дастлабки экспедиция даврида олинган маълумотлар тасдиқланди. Мазкур девор янада қадимийроқ қатламлар устига қурилган эди.

2004 йилдаги археологик тадқиқотлар натижасига кўра, эрамиздан олдинги IV-III асрларга оид девор қолдиқлари ва сопол идишлар топилди. Бу ердаги 14 метр қалинликдаги маданий қатламлар ёдгорликдаги қадим давлардан бошлаб XX асрга қадар ҳаёт узликсиз давом этганлигини кўрсатади. Эски Ховос шаҳар ҳаробаси бутун Уструшона учун эталон ёдгорлик ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатмоқдаки Истравшандаги Муғтепа (Ўратепа) ва бошқа шаҳар ҳаробаси ёдгорликлари қатламларида сезиларли ўзгаришлар кўрсатилди.

Эски Ховос тепалиги 10-14 метргача қазиб ўрганилди, кўхна тепаликдан бой топилмалар: истехком қолдиқлари хунармандчиликка оид топилмалар Бактрия ва Сўғд ёдгорликларидан қолишмайди.

Тегирмон тоши ҳам топиб ўрганилди. Бу тош Сомонийлар даврига оид тошдир. Топилган тегирмон тошининг диаметри 90 сантиметр ўртадаги тешикнинг айланаси 12 сантиметр, тошнинг қалинлиги эса, 9 сантиметрдан

иборат.



Эски Ховос тепалиги археолог А.А. Грицина ва маҳаллий тарихчилардан Мамасиддиқ Сиддиқов, Боймурот Азимовлар томонидан 2003-2004 йилларда ҳам қисман ўрганилган эди.

Ҳозирги кунда бу ишлар яна А.А. Грицина раҳбарлигида маҳаллий тарихчилар Х.Сиддиқов, Б.Азимов, музей директори З.Холдоров, ГулДУнинг профессор ўқитувчиларидан У.С. Эрбўтаева, О.Маъмировлар томонидан археологик тадқиқотлар олиб бориб, қайтадан ўрганилмоқда.

Топилган ашёвий топилмалар шуни исботламоқдаки, антик даврда эски Ховос халқаро савдо-сотикда муҳим ўрин тутганлиги ҳам маълум бўлди. Чунки тепаликнинг ёнида қарвон сарой жойлашган. Ҳозирги кунда ҳам қишлоқнинг номи “Қарвон сарой” деб номланади.

Буюк ипак йўли тармоқларидан бири худди шу чораҳадан ўтганлиги маълумдир.

Олиб борилган қазилма ишларида бир нечта танга пуллар ҳам топилди. Топилган танга пуллар ва Сомонийлар, Қорахонийлар ҳамда Мўғиллар Темурийлар даврига оиддир.

Қадимги эски Ховос тепалигидан топилган археологик топилмалар Бактрия ва Сўғд топилмаларидан қолишмайдиган кулолчилик буюмлари, ёзма маълумотлар бўлмасада, Ховоснинг антик даврдаёқ шаҳар сифатида шаклланганлиги тўғрисида хулосага келдик.

Топилган археологик манбалар шуни исботламоқдаки, эски Ховос камида икки минг йиллик тарихга эга эканлигини исботловчи ашиёвий

далиллар топилди.Эрамиздан аввалги III-II асрга оид маъбуда (аёл қиёфасида) топилди.



Илохий аёл рамзи туширилган маъбуда Анахита ёки Нананинг сополдан ишланган тасвири. Ўзбекистоннинг шимолий туманлари учун ноёб топилма. Ушбу маъбуда Республикамиз худуди доирасида илк марта топилиши.

Одатда маъбудаларга сиғиниш ҳосилдорлик худоси сифатида сиғинилган. Анахита маъбудаси – бу ҳосилдорлик, ўлаётган ва қайта туғилаётган табиат рамзи. Ўрта Осиё, айниқса Амударё ва Сирдарё оралиғида кенг тарқалган бўлган. Топилган топилмалар орасида “Хумо” қушининг тасвири туширилган шамдон топилди. Шамдондаги расм яъни Хумо қуши яшил рангда тасвирланган бўлиб, тасвир босма услубда ишланган. Мусаввирбу қушни жаннатда турган холда тасвирлаганки, унинг атрофидаги боғи Эрам кўриниши шундан далолат беради. Ўрта асрларда ишланган идишда тасвирланган ушбу қуш фаровонлик, бахт ва омад рамзидир. Бу ишланма XII асрга оид деган хулосага келинди.



Эски Ховос тепалигидаги изланишлар натижасида кўплаб озиқ-овқат маҳсулотларини сақлайдиган хумлар, тош, дон янчгичлар, уй хайвонлари суяклари топилган бўлиб, аҳоли ўтроқ деҳқончилик билан шуғилланганидан далолат беради. Бундан ташқари эски Ховос тепалигида ҳунармандчилик маркази бўлганлиги ҳақида сопол ва металл буюмлари, зеб-зийнат тақинчоқлари далолат беради. А.А.Грицинараҳбарлигидаги экспедиция томонидан Ховос тепалиги сопол буюмларни куйдириш печи топиб ўрганилган. Топилган сопол буюм намуналари тўқ қизил, қўнғирранг ангоб билан бўялган.



Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Эски Ховос тепалигидан топилаётган археологик материаллар антик даврга ҳам оид бўлиб, Ховос Ўрта Осиёдаги юксак ривожланган вилоятлардан бири бўлган деб хулоса чиқариш мумкин. Эски Ховос тепалиги топилмалари яна шуни исботламоқдаки, бу ердан Буюк ипак йўлининг ўтганлиги туфайли у Фарғона, Сўғд, Чоч, Жиззах ва Бактрия ўртасидаги боғловчи бўғин бўлган. Эски Ховос 2500 йиллик тарихга эга бўлиб, Ҳозирги кунда аجدодларимизга файзли қўналға сифатида хизмат қилиб келмоқда. Айни пайтда топилган археологик топилмалар Гулистон шаҳридаги ўлкашунослик музейида сақланмоқда.